

## АСКИЯ ЖАНРИНИНГ ЎЗБЕК ФОЛЬКЛОРШУНОСЛИГИДА ЎРГАНИЛИШИ

**Гайрат Ойбекович Холбўтаев**

Андижон давлат университети докторанти

### АННОТАЦИЯ

Аския – бу ўзбек халқининг тафаккури, дунёқараши, одамлар ўртасидаги ижтимоий муносабатларни акс эттирувчи маънавий хазина. Аския – бу ижтимоий анъаналар билан узвий боғлиқ бўлган ўзбек юмори; ҳаётининг кузатувлар намоён бўладиган жанр. Бу одамлар ҳақидаги лингвистик ва маданий маълумотларнинг намоёниши сифатида муҳим аҳамиятга эга. Мақолада узоқ вақт давомида ўзбек халқ оғзаки ижодининг ажралмас қисми бўлиб келаётган аскиянинг ўзбек фольклоршунослигида ўрганилиши ҳақида сўз боради.

**Калит сўзлар:** аския, халқ оғзаки ижоди, аскиянинг ўрганилиши, санъат, аския пайровлари, этнографик йўналишда аскиянинг аҳамияти, аския ижрочилари.

### ABSTRACT

Askia is a spiritual treasure reflecting the thinking, worldview, social relations of the Uzbek people. Askia - Uzbek humor inextricably linked with social traditions; a genre in which life observations are manifested. It is important as a presentation of linguistic and cultural information about people. The article examines the study of askia in Uzbek folklore, which has long been an integral part of Uzbek folklore.

**Keywords:** askia, folklore, study of askia, art, followers of askia, the meaning of askia in the ethnographic direction, performers of askia.

### КИРИШ

Жамият тарихининг турли босқичларида одамларнинг рухий ҳолатини яхшилаш, уларнинг турмуш тарзини ифодалаш, ҳаёт машаққатлари ва уларнинг ечимларини топиш, халқнинг орзу умидлари, қувончу ташвишлари, армонлари оғзаки ижод намуналарида ўз бадиий ифодасини топган. Халқ ўз эпосида орзуидаги қаҳрамон, жасур ўғил-қизлари образини яратган бўлса, эртақлар ва бошқа оғзаки насрий, лирик, асарларида ҳам ўз идеалидаги қаҳрамонларни жонлантиради. Оғзаки драмалар, хусусан, кулгу ва юморга йўғрилган оғзаки

асарларда ҳам халқнинг бу анъанаси давом этиб, донишманд, зукко, ҳозиржавоб, муғомбир кишилар образларини яратишга интиланган. Халқнинг эстетик эҳтиёжини қондиришга бўлган интилишлари ҳаётимиздаги турли муаммо ва камчиликларни кулги фонида танқид қилиш, танқид билан бир қаторда одамларнинг руҳини тинчлантириш, кайфиятини кўтаришни мақсад қилиб қўйган. Айни шу эзгу мақсад оғзаки адабиётнинг гуркираб ривожланиши, поэтик тараққиётига сезиларли таъсир кўрсатган. Натижада турли зукко кишилар тимсолини бадиий ифодалаган латифалар, шингил ҳазиллар ва аския майдонга келган. Аскиянинг пайдо бўлиши латифага нисбатан бироз кейинроқ юз берган. Сабаби, қадимги аждодларимиз дастлаб якка ижрога асосланган оғзаки асарлар ижросини амалга оширганлар. Кейинчалик ижрочиларнинг бир неча киши бўлиши ва мусабақа шаклида амалга оширилиши билан боғлиқ ижро услуби шаклланган.

## АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Этнографик йўналишда аския ўзбек халқ театрининг ажралмас бир қисми сифатида А.Л.Троицкая томонидан тадқиқ этилган [1, Б. 144-151]. Олима ўзининг ўзбеклар ҳақидаги кузатишлари ва дала ёзувлари асосида аскиянинг халқ орасида қадимдан қизиқчилар томондан ижро этилиши, унинг баъзи турлари борасида ўз мулоҳазаларини баён қилади. Тутол аския шаклини йўқолиб кетган кўриниши сифатида гапириб ўтади. Аммо, Р.Мухаммадиев эса, А.Л.Троицкаянинг бу фикрларига эътироз билдириб, тутол унитилмаган, аксинча аскиянинг мураккаб шакли эканлигини қайд этади [2, Б. 7].

1961 йилда ўзбек фольклоршунослигида Р.Мухаммадевининг номзодик диссертацияси ўзбек фольклорида аския жанрининг спецификасини тадқиқ этишга бағишланган биринчи тадқиқот ишларидан бири эди. Атоқли аллома Ҳоди Зариф илмий раҳбарлигида бажарилган бу тадқиқотда аскиянинг турлари ва уларнинг ўзига хосликларини илмий асосда тадқиқ этишга қаратилганлиги билан характерлидир.

Олим аскияга бағишланган тадқиқотида халқ миллий урф-одатлари, анъаналари ва кадрятларнинг халқ тарихида тутган ўрни борасида ўринли мулоҳазаларни билдиради. Диссертациянинг биринчи бобида тадқиқотчи аския сўзининг этимологияси борасида текширишлар олиб боради. У дастлаб мазкур сўзнинг лўғавий маъноси борасидаги мулоҳазаларини ўрганар экан, ҳатто халқ аскиячилари ҳам аския сўзи қандай маъно аниқлаштириши борасида тушунчага эга эмаслигини қайд этиб ўтади ва қадимий қўлёзмалар, луғатлар

(Муҳаммадғиёсиддин ибн Жалолиддин томонидан тузилган “Ғиёсул луғат”) асосида аскиянинг “закий” сўзидан олинганлиги ва закиё-аския сўзлари ўткир зеҳнлилик, тез тушина олишлик, зийраклик, нозик фаҳмлилик каби маъноларни англатиши, унинг талаффуз ва ёзувда қай тариқа аския шаклини олганлиги борасидаги дастлабки филологик хулосаларни олға суради.

Р.Муҳаммадиев диссертация ишида аскиянинг “Сўзсиз аския”, “Бир кишилик аския” каби турлари ҳақида ҳам маълумот беради. Тадқиқотчининг ёзишича, сўзсиз аскияда аскиячининг лақаби ва унинг характеридаги аломатлари ҳаракатлар билан ифодаланиб, атрофдагиларнинг кулгисини кўзғайди. Масалан, ғилай лақабли аскиячи сўрида чой ичиб ўтирганида, ҳазилкаш дўсти бурун лақабли кишининг келаётганини кўриб, сўрининг бучагига бориб ўтириб олади. Дўстининг ҳазилини тушунган бурун лақабли киши сўрининг бурчагига яқинлашиб чўрттага қоқилиб кетгандай дабдирайди ва йиғилганларнинг кулгисини кўзғайди [2, Б. 43]. Кўринадики, аскиянинг табиатида унинг нафақат вербал жиҳатдан, балки, ҳаракат уйғунлигида ҳам кулгу кўзғаш хусусияти мавжуд. Бу эса, оғзаки драмаларнинг майдонга келшида муҳим омил бўлиб хизмат қилган. Аскиячиларнинг омма олдида сўз ва ҳаракат уйғунлигидаги қизиқчилиги даврлар ўтиши билан тараққий топиб, оғзаки халқ театрининг майдонга келишига замин ҳозирлаган. Саъатшунос М.Рахмоновнинг ёзишича, Туркистонда қизиқчилик жуда қадим замонлардан шаклланган бўлиб, ҳатто ислом динининг кириб келиши ва диний мафкура ҳукмрон бўлган пайтларда ҳам халқ қизиқчилари томонидан турли томошалар, сўз ўйинлари давом этган. Қизиқчи ва масхарабозларнинг кейинчалик театр труппалари тузганлиги маълум [3, Б. 63-68]. Аскиянинг мимикага асосланган “сўзсиз аския” шакли, шунингдек, “Бир кишилик аския” кўринишларининг халқ театрининг шаклланишига таъсири кўпроқ бўлганлигини англашимиз унчалик қийин эмас.

Р.Муҳаммадиев аскиянинг шеърӣ усули борасида ҳам батафсил тўхталиб ўтади. Аскиянинг бу тури одатда ҳамма таниш бўлган шеър ёки кўшиқнинг мисрасини олиб аскиячилар томонидан вазн ва қофия қонуниятларини сақлаган ҳолда давом эттириш, унга ижодий мантиқий кулгили бардавомлик бағишлашдан иборатдир. Аскиянинг шеърӣ усули ҳозирда Фарғона водийси аскиячилари репертуарида ҳам учраб туради. Шунингдек, таниқли қизиқчи Зокир Очилдиев репертуарида кузатилади.

Бундан ташқари, Р.Муҳаммадиев ўз диссертацион ишида аскиянинг лисоний хусусиятлари ва тилимиз луғат таркибининг бойишидаги ўрни борасида ҳам муҳим хулосаларни қўлга киритади.

2018 йилда Фарғона давлат университетиди Х.Х.Дўсматов “Аския матнининг лингвостилистикаси” мавзусида филология бўйича фалсафа доктори илмий даражасини олиш учун диссертация ҳимоя қилди. Тадқиқотчи гарчи лингвистик ракурсда кузатишлар олиб борган бўлса-да, ишнинг биринчи боби тўртинчи фаслида “Аскиянинг шаклий-ифодавий турлари” деб номланиб, аскиянинг турлари борасида зарур маълумотларни келтиради. Тадқиқотнинг мазкур фаслида Х.Х.Дўсматов аския шакллари борасида маълумотларни келтириб, улардан намуналар баён қилади. Шунингдек, аёллар аскияси борасида маълумот беради [4, Б. 35-41].

### **МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР**

Олим аскиянинг анъанавий бошланмага эга бўлган аскиялар каби тамойиллар асосида таснифлайди. Аслида анъанавий бошланма ва диологик нутқдан иборатлик аския табиатига хос бўлган етакчи белгилардан саналади. “Анъанавий бошланмали аскиялар. Анъанавий бошланмали аскияларга «Гулмисиз, райхонмисиз, жамбилмисиз?», «Бўласизми?», «Умрингизда сартарошхонага кирганмисиз?», «Ўхшатдим», «Афсона» (оғзаки нутқда «афсана»), «Билганлар... Билмаганлар...» кабилар мансуб бўлиб, уларда нутқ анъанавий бошланмалар билан бошланади. Матннинг таркибий қисми сифатида микроматнлар бошланмаси одатий такрорланади” [4, Б. 35]. Тадқиқотчи қайд этиб ўтган: «Гулмисиз, райхонмисиз, жамбилмисиз?», «Бўласизми?», «Ўхшатдим», «Афсона» (оғзаки нутқда «афсана»), «Билганлар... Билмаганлар...» каби кўринишдаги аскиялар анъанавий бошланмага хос бўлса, «Умрингизда сартарошхонага кирганмисиз?» деб бошланадиган аскиялар мавзули пайров сифатида баҳоланмоғи лозим эди. Негаки, бу сартарошхона мавзусида аския қилинганда айтилган, холос. Биз кўп йиллик кузатишларимизда “Умрингизда сартарошхонага кирганмисиз” деб бошланувчи ва шундай бошланма анъанага айланган ҳолатларни гувоҳи бўлмадик. Биз бу ҳолатни тадқиқотчининг фольклор табиатидан у қадар чуқур билимга эга эмаслиги ва ишнинг асосий мақсади лингвистик муаммоларни ҳал қилишга қаратилганлиги билан боғлиқ деб тушундик.

Шунингдек, Х.Х.Дўсматов диссертациясида Р.Мухаммадиевнинг эълон қилган аския матнларидан аёллар аскияси борасида ҳам маълумот келтирилади. “Аския ментал хусусиятга эга. Унинг асосан эркаклар томонидан ижро этилиши бу жанрнинг гендер хусусиятини белгилайди. (ЮНЕСКО маълумотномасида ҳам аския эркакларга хос жанр сифатида келтирилган) Аскиянинг ўзбек аёллари ўртасида ҳам кузатилиши, аския табиатида фахш ифодаловчи унсурлар борлиги билан белгиланади” [4, Б. 42]. Тадқиқотчи шу мулоҳазаларидан кейин Лутфияхоним Саримсоқова ва бошқа санъаткор аёллар томонидан ижро қилинган аскияларни келтиради. Биз юқорида Х.Х.Дўсматовнинг фольклор табиатидан унчалик хабари йўқлиги борасида гапирган эдик. Унинг айни фикрларидаги “фахш фикрлар мавжудлиги унинг аёллар ўртасида кузатилиши”га сабаб қилиб кўрсатилган. Бу ўта кўпол ва нотўғри қараш. Бизнингча, аския таг маънога эга сўзлардан фойдаланишга асосланган сўз санъатининг энг қадимий шаклларида биридир.

## ХУЛОСА

Юқорида қайд этганимиздек, Ирма Эструпнинг назарий қарашларига таянган ҳолда аския матнларида фахш эмас, балки таг маъно мавжудлиги, бу эса, қадимий оғзаки бадий анъана давоми эканлиги ва ниҳоят ўзбек аёллари ҳам сўз санъатининг нозик жиҳатларини мукамал ўзлаштирган, бадий ҳофизаси кенг ижодкор сифатида баҳоланишини алоҳида таъкидламоқчимиз. Зеро, аския жанрининг энг фидойи тадқиқотчиси ва тўпловчиси Р.Мухаммадиев ҳам унинг фахш билан йўғрилган матн сифатида баҳоламаган эди. Бундан ташқари, аскияда фахш ва ғайри ахлоқий иборалар етакчилик қилса, ЮНЕСКО халқаро ташкилоти умумбашарий номоддий маданий ёдгорликлар сирасига киритмаган бўларди.

## REFERENCES

1. Троицкая А.Л. Народный театр в Узбекистане // Восточный сборник. Л., 1990. Вып. 4.
2. Мухаммадиев Р. (Ўзбек халқ ижодиётининг жанри).Филол.фан.номз. дисс.- Тошкент, 1961.
3. Рахмонов М. Ўзбек театри тарихи. –Тошкент, Фан, 1968.
4. Дўсматов Х.Х. Аския матнининг лингвостилистикаси. Филол бўйича.фалсафа доктори (PhD).дисс.- Фарғона, 2018.